

КЕЛИНГ, НАМОЗ ЎРГАНЙЛИК

*Парвардигоримиз бўлмиш
Аллоҳ билан алоқа сақлайлик*

Саййид, Камол, 1939 -

КЕЛИНГ НАМОЗ ЎРГАНАЙЛИК Парвардигоримиз бўлмиш Аллоҳ билан алоқа сақлайлик / Муаллиф Камол Саййид. – Қум: Ансориён, 2008.

56 P.

Китобнинг аслий номи: تعالوا نصلّى

ISBN: 978-964-438-983-2

1. Намоз – ислом – ўқув ва таълимот.
297.35307

I. Ном.
BP147.7

تعليم الصلاة (باللغة الأوزبكية)

КЕЛИНГ, НАМОЗ ЎРГАНАЙЛИК

Парвардигоримиз бўлмиш Аллоҳ билан алоқа сақлайлик

Муаллиф: Камол Саййид

Таржимон: «*Андишаи нур*» номли муассасанинг таржимонлар гуруҳи

Ношир: Ансориён нашриёти

Матбаа: Нигийн

Чоп навбати (Биринчи): 2008 - 1429 - 1387

Адади: 3000 нусха

Бетлар сони: 56

ISBN: 978-964-438-983-2

©Китобнинг барча ҳуқуқлари ношир учун ҳимояланган



АНСОРИЁН НАШРИЁТИ

Эрон Ислом Жумҳурияти, Қум шаҳри,

Шухадо хиёбони, 22-куча.

Почта қутиси: 187

Телефон: 0098 251 7741744 Факс: 7742647

E-mail: ansarian@noornet.net & ansarian@yahoo.com

www.ansarian.org & www.ansarian.net



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.
Борлиқ ато этувчи ва Раҳмли Аллоҳ номи билан

КИРИШ ҚИСМИ

Эй Оламларнинг Яратгувчиси! Сенга ҳамду-сано айтиш билан бошлайман. Сен Меҳрибонсан ва Сен мадад Бергувчисан, эй Парвардигоримиз! Сендангина мадад сўраймиз, Сенинг неъматларинг туфайли тирикмиз ва Сен (Аллоҳсан) Тангрисан ... эй меҳрибонларнинг энг Меҳрибони бўлган Зот, Олий мартабали ва Юксакдирсан. Денгизлар ва тоғларнинг тошлари сенга ҳамду-сано айтиш билан «эй жалол ва буюклик Эгаси» деб нидо қилурлар, эй Юксак, Улуғ ва Покиза бўлган Яратгувчи Зот.

НАМОЗ НИМА?

Азизлар, Намоз Аллоҳга юзланиб, Ундан кўрққан холда Унга сажда қилиб ... ва Ундангина ризолигини талаб қилишдан иборат.

У кенг борлиқни кичик заррадан бошлаб то буюк сайёраларгача Яратган Зотдир.

Бизларни бахтли яшашимиз учун яратган.

Ва бизларга Пайғамбарларни юборган, улар бизларга намоз ўқишлиқни ўргатганлар.

Намоз: ҳар кун ўзимизни унда ювадиган зилол чашмадир... шу орқали пок бўламиз.

Эй азизлар! Келинлар Парвардигоримиз учун қандай намоз ўқишлиқни ўрганайлик; келинлар намоз ўқийлик!

УСУЛИДДИН

Азизлар! Динимиз мустаҳкам илдизга эга бўлган гўзал дарахт бўлиб, унинг шоҳлари ям-яшил барглари ва ширин меваларга тўлиб тошгандир.

Диннинг илдизи усулиддин бўлиб, у
қуйидагилардан иборат:

Тавҳид (Якка Худолик)

Аллоҳ Ягонадир ва Ундан ўзга илоҳ йўқ... шунинг
учун деймиз:

لا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

Аدل

Аллоҳ Одил Зот бўлиб, ҳеч кимга зулм қилмайди
ва золим кимсаларни яхши кўрмайди.

Нубувват (Пайғамбарлик)

Аллоҳ бизларни саодат йўлига чорлаш учун
Пайғамбарларни юборди ва Пайғамбаримиз
Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам) уларнинг
охиргисидир.

Имомат (Раҳбарлик)

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиздан сўнг инсонлар гумроҳ бўлмасликлари ва ҳидоят йўлини топишликлари учун ун икки Имомни бизларга Пешво, Раҳбар ва Йўлбошчи этиб танлаган, шунинг учун улар Пайғамбаримиздан кейин бизлар учун намуна ва ўрнақдирлар. Уларнинг биринчиси имом Али (алайҳис салом) ва Охиргиси эса Маҳди (Аллоҳ келишларини тезлаштирсин) дирлар.

Маъод (Қайта тирилиш)

Аллоҳ таоло оламни беҳуда яратмаган ва инсонни нобуд бўлиши учун яратмаган...

Бир кун келадики, Аллоҳ таоло у кунда инсонларнинг барчасини қабрларидан қайта тирилтиради... Нима учун? Ҳисоб-китоб учун.

Покиза ва яхши инсонлар жаннатга борурлар ёмон инсонлар эса жаннатга бормай, жаҳаннам томон равона бўлгайлар.

ФУРУИДДИН

Покиза Ислом динининг самарали ва баракали дарахтининг шохлари фуруиддин бўлиб, у куйидагилардан иборатдир:

Намоз

Ҳар-бир мусулмон ҳар куни беш марта: эрталаб, тушда, аср, оқшом ва хуфтон вақтларида намоз ўқийди.

Рўза

Балоғат ёшига етган мусулмон муборак Рамазон ойида рўза тутиб, Аллоҳнинг фармони бажариш учун бу улуғ ойда еб-ичишдан сақланади.

Закот

Ҳар бир мусулмон, камбағал ва фақир инсонларга закот беради... Аллоҳ таоло ўзига тўқ ва бой мусулмонлардан фақир ва камбағалликда ҳаёт кечирадиган биродарига кўмаклашишини ва шунинг билан биргаликда ҳар бир инсон саодатли ҳаёт кечиришини истайди.

Хумс

Ҳар бир мусулмон меҳнат қилиб топган даромадининг 20%ни Пайғамбаримизнинг фақир-муҳтож зурриётлари (саййидлар)га Пайғамбаримизни эъзозлаб ва у кишининг аҳли байтлари-хонадонларига бўлган муҳаббати учун бериши лозимдир, чунки садақа уларга ҳаромдир.

Ҳаж

Сафар қилишга куч-қудрати етган мусулмон Байтуллоҳил-ҳаромни зиёрат қилиши учун йўлга тушади ва у ерда ҳаж амалларини бажаради.

Жиҳод

Ҳар бир мусулмон, инсонларнинг барчаси озод ва азиз яшашлиги учун Аллоҳ ва инсоният душманларига қарши курашади.

Амри маъруф (Яхшиликка буюриш)

Ҳар бир мусулмон яхши ишларни қилгувчи ва инсонлар учун яхшиликни истагувчи ва инсонларни яхши амаллар томонига чорлаб, уларга насихат қилиши зарурдир.

Наҳйи мункар (Ёмонликдан қайтариш)

Ҳар бир мусулмон гуноҳга йўл қўймайди ва диндаги биродарларини гуноҳ қилмасликка чақириб, мусулмонлар жамияти покиза ҳаёт кечиришини истовчидир.

Таваллий (Дўстлашиш)

Ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг валийларини ва Унинг мусулмонлар ҳидоятда бўлишлари учун танлаган йўлбошчиларини қалбан дўст тутиб, уларга эргашади.

Табаррий (Юз ўгириш)

Ҳар бир мусулмон Аллоҳ ва Унинг йўллаган элчиларига қарши душманлик қилган кимсалардан юз ўгириб, уларга қарши оёққа туриши лозим.

Пайғамбаримиз Муҳаммад *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* буюрадилар:

الصَّلَاةُ عَمُودُ الدِّينِ

Намоз диннинг устунидир.

Агар дин чодир бўладиган бўлса, уни ушлаб тургувчи устун намоздир. Ҳар гоҳ устун йиқилса, чодир ҳам йиқилгувчидир.

فُرْتَانُ كُلِّ تَقِيٍّ

«Ассалаату қурбаану кулли тақийин»

(Намоз ҳар бир парҳизкор инсонни Аллоҳ даргоҳига яқин қилгувчи воситадир).

Сиз дўстингизни кўришга борганда унга бўлган муҳаббатингизни бир даста гул орқали изҳор қиласиз. Шундай экан, намоз ҳам бир даста гул бўлиб, иймонлик инсон уни ўз Парвардигорига тақдим қилиши билан муҳаббатини изҳор қилади.

أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ الصَّلَاةُ لَوْ قَبِلَهَا

«Аҳаббул аъмаали илаллоҳи ассалаату
ливақтиҳаа»

(Аллоҳнинг даргоҳида энг севимли амал, ўз вақтида ўқиладиган намоздир).

الصَّلَاةُ مِفْتَاحُ الْجَنَّةِ

«Ассалаату мифтаахул жаннати»

(Намоз жаннат калитидир).

Агар жаннат калитига эга бўлмасак, Аллоҳнинг жаннатдаги ноз-неъматларидан маҳрум бўламиз. Ҳолбуки, ҳаммамиз жаннатга киришга мушток бандалармиз.

Намоз Аллоҳ билан банда ўртасидаги дўстлик алоқасини боғлашдир.

Биз Сарваримиз ва Йўлбошчимиз бўлмиш имом Али ^(алайҳис салом) ни ёдга олганимизда, «каррамаллоҳу важҳаҳу» яъни: Аллоҳ унинг чехрасини улуғлаб, кароматли қилди, деймиз; нима учун? Чунки у зот ҳеч вақт бутга сажда қилмаган эдилар ...

Аллоҳ таоло Сарваримиз Муҳаммад ^(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ни Пайғамбар қилиб танлади ва инсонлар хидояти учун юборди. Ўша замондан бери Али ^{(алайҳис}

салом) Аллоҳ учун намоз ўқир, намозни севар ва намоз вақтига муштоқ эдилар.

Пайгамбаримиз Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилган замонларида, Али *(алайҳис салом)* Ислоҳ ҳукуматини ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олдилар... ва ўнлаб жангларда қатнашган бўлиб, Довюррак, Мужоҳид ва Қўрқмас эдилар, ҳатто жангли лаҳзаларда ҳам намозларини ўз вақтида ўқишни кечиктирмас эдилар. Шундай бир инсон эдиларки, ўн ёшларида урушда жароҳатланган вақтларида ҳам Оламлар Парвардигори Аллоҳ учун намоз ўқиганлар.

Ҳатто Али *(алайҳис салом)* умрларининг 60 ёши ўтганида ҳам Аллоҳ йўлида жиход қилар эдилар. Жанглардан бири «Сиффийн» жангида, Имом қаттиқ жароҳатландилар ва камон ўқи оёқларига киради ва табиб ўқни чиқариш учун уринади. Лекин Имом *(алайҳис салом)* қаттиқ дардни ҳис қилганликлари учун ўқ оёқларида қолади. Бу ҳолатни кўрган табиб, ўғиллари имом Ҳасан *(алайҳис салом)* ни ушбу воқеадан огоҳ қилади ва имом Ҳасан *(алайҳис салом)* оталарини яхши танир эдилар ва билардиларки, оталари Аллоҳга юзланиб намозга турган вақтларида, атрофларида бўлиб ўтаётган ҳеч бир нарсани сезмасдилар. Ва шунинг учун табибга: Намоз ўқишларини кутинг, ўша вақтдагина ўқни оёқларидан чиқара оласиз, дейдилар.

Дарҳақиқат, табиб ҳам имом Али *(алайҳис салом)* намоз ўқиб турган лаҳзаларида ўқни оёқларидан чиқаради. Имом Али *(алайҳис салом)* ҳеч қандай дардни ҳис қилмасликлари, табибни ҳайрон қолдиради!

Шубҳасиз, намоз ҳазрат Али *(алайҳис салом)* ни Қўрқмас, Жангчи, Довюрак ва Аллоҳ йўлида жиход қилувчи қилиб тарбиялаган эди.

Шунинг учун Сарваримиз Муҳаммад *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ни дўст тутар эдилар, чунки, Али *(алайҳис салом)* ҳар бир иймонли мусулмон учун намуна бўлиб, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарини севар, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳам Али *(алайҳис салом)* ни севар эдилар.

ВУЗУ

Сув покизалик рамзидир ва инсон ўйқудан ўйғонгандан сўнг икки қўлини ва юзини ювади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)
буюрадилар:

التَّطَافَةُ مِنَ الْإِيمَانِ

«Анназофату минал иймаани»

(покизалик иймондандир).

Вузу юзни ва икки қўлни ювиб, бошга ва икки оёққа масх тортишдан иборатдир.

Умуман олганда, бундай амални бажариш нима учун керак?

Жавоб: чунки вузусиз намоз саҳиҳ (тўғри) бўлмайди.

Вузу олиш шартлари

1. Пок сув билан вузу олиш керак, чунки нажас сув билан олинган вузу ботилдир.

2. «Мутлак» сув билан вузу олиш керак, чунки «музоф» сув билан олинган вузу ботил ҳисобланади.

3. «Музоф» сув: Соф сувдан фарқланиб, бошқа нарсалар билан аралашган сувга айтилади; масалан: Гулоб, совун суви ва ё тупроққа аралашган сув ва шулар каби.

4. «Музоф» бўлмаган соф ва тоза сувга «мутлак» суви дейилади.

5. Вузу олинадиган сув «мубоҳ» бўлиши керак; яъни: «ғасбий» ва эгаси рози бўлмаган сув бўлмаслиги керак, чунки, «ғасбий» сув билан олинган вузу ботил бўлади.

6. Вузу олинаётган вақтда ишлатиладиган идиш «мубоҳ» бўлиши керак, чунки «ғасбий» ва эгаси рози бўлмаган идишда олинган вузу ботил бўлади.

7. Олтин ва кумушдан ясалган идишда вузу олиб бўлмайди.

8. Вузу олганда, Аллоҳга яқинлашиш ва Унинг фармони бажаришни ният қилиш лозим, ният тилга олиниши шарт эмас, балки қалбида ҳам ният қилса, кифоядир.

9. Вузу тартиб билан олиниси керак; яъни биринчи юз, сўнг ўнг қўл, кейин чап қўлни ювиб... суратда кўрсатилган тартибда бажариш лозим.

10. Олинадиган вузу амаллари кетма-кет бўлиши керак, масалан: Юзни ювгандан сўнг, неча дақиқа кутиб туриб, икки қўлни ювиш жоиз эмас, балки кетма-кет бажариш лозим.

11. Ҳар бир шахс вузу амалларини бошқадан ёрдам олмасдан, кўмак талаб қилмасдан, ўзи бажариши лозим.

12. Сув вузу олувчи инсоннинг аъзосига зарар қилмаслиги керак.

13. Сув вузу аъзоларига тўлиқ етиши керак, яъни: Сув терига етиб боришининг олдини оладиган тўсиқ бўлмаслиги керак, масалан: Мойли ранглар ва шулар каби сувни тўсадиган нарсалар, вузу олганда ювиладиган аъзоларда бўлмаслиги лозим.

14. Вузу олиш ва намоз ўқиш учун етарли вақт бўлиши зарур ва агар намоз вақтининг тугашига жуда оз қолган бўлса, вузу ўрнига «**таяммум**» қилиш керак.

Вузунни ботил қиладиган нарсалар


- 1.** Инсондан сийдик ёки ғоит чиқиши
- 2.** Ош қозон ва ичак елларининг чиқиши
- 3.** Уйқу



Қандай ҳолда вузу олинади?

1. Юзни пешананинг юқори қисмидан (яъни: Соч чиққан жойидан) жағнинг остигача ювиш лозим.

2. Сўнгра ўнг қўл тирсакнинг юқори қисмидан бармоқларнинг учигача ювилади.



3. Чап кўл ҳам, ўнг кўлдек ювилади.



4. Суратда кўрсатилганидек, ўнг қўл билан бошнинг олдинги қисмига масх тортилади.



5. Ўнг қўл билан, ўнг оёққа; бармоқларнинг учидан оёқнинг кўтарилиш қисмигача масх тортилади.



6. Сурада кўрсатилганидек, чап қўл билан чап оёққа бармоқларнинг учидан бошлаб, юқори қисмигача масҳ тортилади.



Вузу олганда ўқиладиган дуолар

Сувни кўрганда:

بِسْمِ اللَّهِ وَبِاللَّهِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ الْمَاءَ طَهُورًا وَ لَمْ يَجْعَلْهُ نَجَسًا

«Бисмиллаҳи ва Биллааҳи Алҳамдулиллааҳил лазий жаъалал мааъа таҳуран ва лам яжъалҳу нажасан»

(Аллоҳ номи билан ва Аллоҳ билан бошлайман, барча ҳамд-мақтов сувни пок қилган ва уни нажас қилмаган ёлғиз Аллоҳга хосдир).

Икки қўлнинг кафини ювганда:

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ

«Аллоҳуммажъалний минаттаввабийна важъалний минал мутатаҳҳирийна»

(Худоё! Мени тавба қилгувчилардан қил ва мени пок бўлгувчилардан қилгин!)

Оғизни чайқайдан сўнг:

اللَّهُمَّ لَقْنِي حُجَّتِي يَوْمَ الْقَاكِ وَأَطْلِقْ لِسَانِي بِذِكْرِكَ

«Аллоҳумма лаққиний ҳужжатий явма алқока ва атлиқ лисааний бизикрика»

(Худоё! Сен билан учрашган кунимда ҳужжат ва далилимни менга ўргат ва тилимни зикрингга машғул қилгин!)

Бурунни чайқагандан кейин:

اللَّهُمَّ لَا تُحَرِّم عَلَيَّ رِيحَ الْجَنَّةِ وَاجْعَلْنِي مِمَّنْ يَشْمُ رِيحَهَا وَرَوْحَهَا وَطِبَّهَا

«Аллоҳумма лаа тухаррим алайяа рийҳал жаннати ваъжалний мимман яшумму рийҳаҳаа ва равҳаҳаа ва тийбаҳаа»

(Худоё! Жаннат ҳидини менга ҳаром қилма ва мени унинг хушбӯй ҳидини ҳидлайдаганлардан қилгин!)

Юзини ювганда:

اللَّهُمَّ بَيِّضْ وَجْهِي يَوْمَ تَسْوَدُ فِيهِ الْوُجُوهُ
وَلَا تُسَوِّدْ وَجْهِي يَوْمَ تَبْيِضُ فِيهِ الْوُجُوهُ

«Аллоҳумма баййиз ваъҳий явма тасвадду фийҳил вужуҳу ва лаа тусаввид ваъҳий явма табяззу фийҳил вужуҳу»

(Худоё! Юзлар қоралган кунда менинг юзимни оқ қил ва юзлар оқ бўлган кунда юзимни қора қилмагин!)

Ўнг қўлини ювганда:

اللَّهُمَّ أَعْطِنِي كِتَابِي بِيَمِينِي وَالْخُلْدَ فِي الْجَنَانِ بَيْسَارِي وَحَاسِبِي
حَسَاباً يَسِيراً

«Аллоҳумма аътиний китобий бияминий вал хулда фил жиннаани биясаарий ва ҳаасибний ҳисаабан ясиро»

(Худоё! Қилган амалларим китоби [номаи амалим]ни ўнг қўлимга бергин ва жаннатларда абадий

қолишни сўл томонимга ато этгин ва мен билан қиладиган ҳисоб-китобни осон қилгин!)

Чап қўлни юваганда:

اللَّهُمَّ لَا تُعْطِنِي كِتَابِي بِشِمَالِي وَلَا مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي وَلَا تَجْعَلْهَا مَغْلُولَةً
إِلَى عُنُقِي وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ مُقْطَعَاتِ النَّيِّرَانِ

«Аллоҳумма лаа туьтиний китаабий бишимаалий ва лаа мин варои захрий ва лаа тажъалҳаа мағлулатан илаа унуқий ва аьзуу бика мин муқаттиъаатин нийрони.»

(Худоё! Қилган амалларим китоби [номаи амалим]ни на чап қўлимга ва на орқа томонимдан бермагин ва қўлларимни бўйнимга занжирлаб қўймагин, жаҳаннам оловларининг бўлақларидан бўлган (азоб)дан Сендан паноҳ сурайман!)

Бошга масҳ тортганда:

اللَّهُمَّ غَشِّنِي بِرَحْمَتِكَ وَبَرَكَاتِكَ

«Аллоҳумма ғашшиний бираҳматика ва баракаатика.»

(Худоё! Мени ўз раҳматинг ва баракотларинг билан қамраб олгин!)

Икки оёққа масҳ тортганда:

اللَّهُمَّ ثَبِّتْنِي عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ تَزُلُّ فِيهِ الْأُقْدَامُ وَاجْعَلْ سَعْيِي فِي مَا
يَرْضِيكَ عَنِّي يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

«Аллоҳумма саббитний алас сироти явма тазиллу фийҳил ақдааму важъал саъйии фий маа йурзийка анний язал жалаали вал валиқром.»

(Худоё! Оёқлар сирпаниб йиқиладиган кунда мени сирот кўпригидан ўтаётганда, собитқадам қил! Қиладиган саъю-ҳаракатимни Ўзингни рози қиладиган нарса (йўл)да қилгин! Эй улўзлик ва юксаклик Эгаси!)

Вузу тугагач:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ تَمَامَ الْوُضُوءِ وَ تَمَامَ الصَّلَاةِ وَ تَمَامَ رِضْوَانِكَ وَالْجَنَّةَ
وَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Аллоҳумма инний асьалука тамаамал вузуъи ва тамаамас солаати ва тамаама ризвааника вал жанната вал ҳамду лиллааҳи Роббил алабийн.»

(Худоё! Мен сендан олган вузунинг мукаммаллигини (бехатолигини) ва намознинг тўлиқлигини ва сенинг бутун ризолигингни ва жаннатни сурайман! Ҳамду сано Ёлғиз оламлар Парвардигори Аллоҳ учундир).

Шунингдек, уч марта “Қадр сураси” ва бир марта “Оятул курсийни” ўқиб, пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ул ҳазратнинг Аҳли байт- хонадонларига салавот айтиш мустаҳаб амал саналади.

ТАЯММУМ

Вузу учун сув топмаганда ёки намоз ўқиш учун вақт жуда оз бўлганлиги туфайли, вузу олиш мумкин бўлмаганда ва шунингдек, жароҳат борлиги ва ёки маълум бир касалликлар учун сув, вузу аъзоларига зарар етказадиган бўлса, намоз ўқиш учун нима қилиш керак?

Жавоб: айтиб ўтилган ўринларда таяммум қилиш керак.

Таяммум қандай бажарилади?




- 1.** Аллоҳнинг фармонини бажариш учун таяммум нияти қилинади.
- 2.** Суратда кўрсатилганидек, икки қўлни пок тупроққа урмоқ лозим.

3. Сурагда кўрсатилаганидек, икки қўл юзга суртилади.



4. Чап қўл билан ўнг қўлнинг устига масх тортилади.



5. Сўнг, ўнг қўл билан чап қўлнинг устига масх тортилади. Масх тортганда билакдан бошлаб, бармоқлар учигача тортиш керак. Юқоридаги икки суратга қаранг.



ҒУСЛ

Ғусл икки қисмга бўлинади;

Тартибий ғусл.

Иртимосий ғусли.

Тартибий ғусл:

Тартибий ғуслни бажарганда, аввал ният қилиб, сўнгра бош ва бўйин ювилади. Кейин баданнинг ўнг томони, ундан сўнг эса чап томони ювилади. Ушбу амаллар тартиб билан бажарилиши лозим. Агар қасддан ёки билмай туриб ва ёки унутган ҳолда айтиб ўтилган тартибда бажарилмаса, олинган «**ғусл**» ботил бўлади.

Иртимосий ғусл:

Иртимосий ғусл олинганда ният қилинганча, аста-секинлик билан сувнинг ичига кирилса ва баданнинг ҳамма қисмларига сув тега, олинган «**ғусл**» саҳиҳ (тўғри) бўлади. Лекин дабдурустдан сувга кириш эҳтиёт юзасидан бўлади. «**Иртимосий ғуслда**» агар бадан сувнинг остида бўла туриб, «**ғусл**» нияти қилингандан сўнг, бадан сув остида силкитилса, олинган «**ғусл**» саҳиҳ (тўғри)дир.

«**Ғусл**» олинганда (ҳар икки қисмида) баданнинг ҳамма ерларига сув тегиши лозим ва агар соч толасининг бир миқдори ҳам ювилмай қолса, олинган «**ғусл**» ботил бўлади.

Лекин қулоқ ва буруннинг ичи каби баданнинг кўриб бўлмайдиган ерларини ювиш лозим эмас.

Вожиб ғусллар:

Қайси вақтлар «ғусл» қилиш вожиб бўлади?

Қўйидаги ўринлирда «ғусл» қилиш вожиб бўлади:

1. «Жанобат ғусли»: (инсон жинсий алоқада бўлганда ва ё эркакдан баъзи бир суюқлик чиққани сабабли вожиб бўладиган «ғусл»).

2. «Хайз ғусли»: (Аёллар ҳар ой кўрадиган хайз қонидан сўнг покланиш учун олинадиган вожиб «ғусл»).

3. «Нифос ғусли»: (Аёллар болани дунёга келтирганидан кейин, нифос қонидан сўнг олинадиган вожиб «ғусл»).

4. «Истиҳоза ғусли»: (Аёллар маълум бир касаллик туфайли кўрадиган қондан сўнг, намоз ўқиш учун олиниши вожиб бўлган «ғусл»).

5. «Масси маййит ғусли»: (Агар бирор кимса, ғусл берилмаган жонсиз инсоннинг баданига тегса, яъни: Баданини маййитнинг жасадига тегизса, «масси маййит» ғуслини бажариши лозим бўлади.

6. «Маййит ғусли»: Мусулмон инсон вафотидан сўнг, унга «ғусл» бериш, кафанлаш ва унга намоз ўқиб кўмиш ҳар бир мусулмонга вожибдир ва агар баъзилар ушбу амалларни бажарсалар, қолганларнинг зиммасидан соқит бўлади.

7. «Назр ва қасам» ичиш билан вожиб бўладиган «ғусл».

АЗОН

Намоз вақти етиб келганда, намоз ўқишдан олдин азон айтиш вожибми?

Жавоб: Вожиб эмас, лекин намоз ўқишдан олдин азон айтиш мустахаб бўлиб, у қўйидагича айтилади:

اللَّهُ أَكْبَرُ

«Аллоҳу Акбар» (4. марта)

(Аллоҳ Буюкдир!)

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!)

أَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ

«Ашҳаду анна Муҳаммадар Расуруллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва олиҳи) Аллоҳнинг пайгамбаридир!)

أَشْهَدُ أَنَّ عَلِيًّا وَلِيُّ اللَّهِ

«Ашҳаду анна Алиийав валиййуллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Али^(алайҳис салом) Аллоҳнинг
танлаган халифа ва пешвосидир!)

حَيِّ عَلَى الصَّلَاةِ

«Ҳаййа алас солаати» (2. марта)

(Намозга шошилинг!)

حَيِّ عَلَى الْفَلَاَحِ

«Ҳаййа алал фалааҳ» (2. марта)

(Нажот йўлига шошилинглар!)

حَيِّ عَلَى خَيْرِ الْعَمَلِ

«Ҳаййа алаа хойрил амал» (2. марта)

(Яхши амал томонига шошилинг!)

اللَّهُ أَكْبَرُ

«Аллоҳу Акбар» (2. марта)

(Аллоҳ Буюкдир.)

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Лаа илааҳа иллаллааҳ» (2. марта)

(Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.)

Азон шунчалар чиройлики, «Аллоҳ» сўзи билан бошланиб, Буюк «Аллоҳ» сўзи билан тугайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад^(саллаллоху алайхи ва олихи васаллам) «**Ҳажжатул видоъ**» [Сўнгни видолашув *ҳажи*]дан қайтаётганларида, Макка ва Мадинанинг ўртасидаги «**Ғадир**» деган маконда тўхтаб, хутба ўқийдилар ва хутбаларида ҳазрати Али ^(алайҳис салом)ни ўзларидан кейин **Халифа** этиб танлайдилар ва бутун мусулмонларнинг **Йўлбошчиси, Пешвоси** эканлигини у ерда ҳозир бўлган ҳамма мусулмонларга эълон қилиб, шундай буюрадилар: **مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاهُ** (Мен ҳар кимнинг Пешвоси ва Раҳнамоси бўлсам, демак, бу Али ^(алайҳис салом) ҳам унинг **Пешвоси** ва **Сарваридир**).

Биз мусулмонлар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг фармониغا бўйсуниб, итоъат қилганимиз учун азонда: **أَشْهَدُ أَنَّ عَلِيًّا وَليُّ اللَّهِ** (Гувоҳлик бераманки, Али ^(алайҳис салом) Аллоҳ томонидан танланган **Халифа** ва **Пешводир**) ни айтамыз.

ИҚОМАТ

Иқомат азонга ўхшаш бўлиб, у қўйидагача айтилади:

اللَّهُ أَكْبَرُ

«Аллоҳу акбар» (2. марта)

Аллоҳ Буюкдир!

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!)

أَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولَ اللَّهِ

«Ашҳаду анна Муҳаммадар Расуруллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг Пайгамбаридир!)

أَشْهَدُ أَنَّ عَلِيًّا وَلِيُّ اللَّهِ

«Ашҳаду анна Алиййав валиййуллоҳ» (2. марта)

(Гувоҳлик бераманки, Али (алайҳис салом) Аллоҳнинг танлаган Халифа ва Пешвосидир!)

حَيِّ عَلَى الصَّلَاةِ

«Ҳаййа алас солаати» (2. марта)

(Намозга шошилинг!)

حَيِّ عَلَى الْفَلَاَحِ

«Ҳаййа алал фалаах» (2. марта)

(Нажот йўлига шошилинглар!)

حَيِّ عَلَى خَيْرِ الْعَمَلِ

«Ҳаййа алаа хойрил амал» (2. марта)

(Яхши амал томонига шошилинг!)

قَدْ قَامَتِ الصَّلَاةُ

«Қод қоматис солаах» (2. марта)

(Дарҳақиқат, Намоз барпо бўлди)

اللَّهُ أَكْبَرُ

«Аллоҳу Акбар» (2. марта)

(Аллоҳ Буюкдир.)

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Лаа илааҳа иллаллаах» (1. марта)

(Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.)

ҚАНДАЙ НАМОЗ ҶҶИЙМИЗ?

Қибла томонига юзланиб, Аллоҳдан қўрққан ҳолда қуйидагача намоз ўқишни бошлаймиз:

Ният:

Мисол учун эрталабки субҳ намозини ўқимоқчи бўлсак, Аллоҳнинг ризолигини назарга олган ҳолда субҳ намозини қурбатан илаллоҳ яъни: «Аллоҳга яқин бўлиш учун», деб ният қиламиз.

Намозни ўқиш учун ният қилинаётганда, ниятни тилга олиш, яъни: тўрт рақъат намозни Аллоҳнинг фармонини бажариш учун ўқийман дейиш ва ҳатто ниятни қалбдан ўтказиш лозим эмас. Балки, агар намоз ўқиётганда қайси амални бажаришлигини билиб турса ва ундан сўраганларида нима амални бажараётганлигини айта олса, ўқиётган намозида ниятга эга эканлиги маълум бўлади.

Қиём (Туриш)

Такбиратул иҳром айтилаётган вақтдаги турганлик ҳолати ва шунингдек, рукуъ қилишдан олдинги турганлик ҳолати «Қиём» деб аталади ва намознинг рукни, яъни: Устуни ҳисобланади. Рукуъдан олдинги турган ҳолатга «рукуга боғланган «Қиём» деб айтилади. Намознинг рукни бошқа вожиб амаллардан фарқланиб, агар инсон намознинг рукни бўлган амалларни бажармаса, хоҳ билиб туриб ёки адашиб ва унутгани сабабли бажармаса ва шунингдек, ўша амалларни ортиқча бажарса, ўқиган намози ботил (бекор) бўлади ва қайтадан ўқиши лозим.

Лекин Ҳамд ва бирор бир сура ўқиётган вақтдаги турган ҳол «Қиём» ва рукуъдан кейинги турган ҳол «Қиём», намознинг рукни ҳисобланмай, агар билмаган ҳолда у тарк этилса, намозга зиён етказмайди.

Такбиратул иҳром:

(Барча нарсалардан узилиб, Аллоҳни Буюк деб билган ҳолда Унга юзланиши)

Икки қўлни қулоқларгача кўтариб, «Аллоҳу Акбар» деб, сўнгра қўллар пастга туширилади. (суратда кўрсатилган).

Такбиратул ихром



اللَّهُ أَكْبَرُ

«Аллоҳу Акбар»

(Аллоҳ Буюкдир!)

Фотиҳа

Такбиратул ихромдан сўнг ҳамд сурасини ўқиймиз, ундан кейин ихлос сурасини ва ёки шунга ўхшаш сура ўқиймиз.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

(Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан.)

الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ

Алҳамду лиллаҳи Роббил аламийн.

(Барча ҳамд-мақтов, оламлар мураббийси [бўлмиш]
Аллоҳга хос.)

الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ар-Роҳманир Роҳийм .

(У Аллоҳ) Меҳрибон ва Раҳимли Зотдир.)

مَلِکِ یَوْمِ الدِّیْنِ

Малики явмиддийн.

(У Аллоҳ) Жазо кунининг Эгасидир.)

اِیَّاکَ نَعْبُدُ وَاِیَّاکَ نَسْتَعِیْنُ

Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн.

(Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.)

اِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِیْمَ

Иҳдинас сиротол мустақийм.

(Ўзинг бизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгин.)

صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ

Сиротол лазийна анъамта алайҳим

(Бизларни шундай кишиларнинг йўлига бошлагинки, Сен
Ўзинг уларга неъмат бергансан.)

غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ

Ғойрил мағзууби алайҳим валаззоолийн.

(Улар ғазабга дучор бўлмаганлар ва заллатга учрамаган-
адашмаганлар.)

Ихлос сураси

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

(Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан)

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ

Қул ҳувал Лоҳу Аҳад.

(“Эй Пайгамбар с.а” айтинг: У Аллоҳ Ёлғиз Зотдир.)

اللَّهُ الصَّمَدُ

Аллоҳус Сомад.

(Аллоҳ Беҳожатдир.)

لَمْ يَلِدْ وَ لَمْ يُولَدْ

Лам ялид валам йувлад.

(У тугмаган ва тугилмагандир.)

وَ لَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ

Валам якун лаҳу куфуван Аҳад.

(Ва ҳеч ким У Зотга тенг бўла олмас.)



Рукуъ

Суратда кўрсатилгандек, икки қўлни тиззалар ўстига қўйиб, ушбу зикрни айтамиз:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ وَ بِحَمْدِهِ

«Субҳаана роббийал азийми ва биҳамдих»

(Буюк парвардигорим (ҳар қандай айбу-нуқсондан) Покдир ва мен Унга ҳамду санолар айтаман). Ёки 3 марта ушбу **سُبْحَانَ اللَّهِ** «субҳааналлоҳ» «Аллоҳ Покдир» зикрни такрорлаймиз.

Рукуъдан тургандан сўнг, бадан ором бўлган ҳолда дейилади:

سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ

«самияллоху лиман ҳамида»

Аллоҳ Унга ҳамду-сано айтган кимсани эшитур.

Шундан кейин «Аллоху Акбар» деб саждага борамиз.



Сажда

Суратда кўрсатилганидек Аллоҳ таоло учун сажда қилиб бундай деймиз:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَىٰ وَبِحَمْدِهِ

«Субҳана роббийял аълаа ва бихамдиҳи»

(Олий мақом ва Юксак парвардигорим (ҳар қандай айбу-нуқсондан) Покдир ва мен Унга ҳамду санолар айтаман). Ёки 3 марта سُبْحَانَ اللَّهِ «субҳааналлоҳ» (Аллоҳ Покдир) такрорлаймиз.




Сажда қилган вақтда баданнинг етти аъзоси ерга тегиши лозим: *пешана, қўлнинг икки кафи, икки тизза, икки оёқнинг бош бармоқлари.*

Саждадан бошни кўтариб, ўтирган ҳолда бундай деймиз.

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ رَبِّي وَأَتُوبُ إِلَيْهِ

«Астағфируллоҳа роббий ва атуубу илайх»

(Парвардигорим бїлмиш Аллоҳдан мағфират ва кечиришини сурайман ва У томонга қайтурман).



Сўнгра яна бир марта саждага бориб, юқоридаги зикрни айтамиз:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَىٰ وَبِحَمْدِهِ

«Субҳаана роббийял аълаа ва биҳамдиҳи»

(Олий мақом ва Юксак Парвардигорим (ҳар қандай айбу-нуқсондан) Покдир ва мен Унга ҳамду санолар айтаман). Ёки 3 марта **سُبْحَانَ اللَّهِ** «субҳааналлоҳ» (Аллоҳ Покдир) такрорлаймиз.

(Сажда пайтида пок ва нажас бўлмаган тупроққа ёки тупроқдан ясалган муҳрга бош қўйилади.)

Шунинг билан биринчи ракъат тугайди.

Иккинчи ракъат учун тураётганда, бундай деймиз:


بِحَوْلِ اللَّهِ وَ قُوَّتِهِ أَقُومُ وَأَقْعُدُ

«Биҳавлиллааҳи ва қувватиҳии ақууму ва ақбуд»

(Аллоҳнинг берган куч-қуввати билан тураман ва ўтираман).

Иккинчи ракъатда ҳам биринчи ракъат амалларини такрорлаймиз. Фотиҳа ва ихлос сураларини ўқиймиз ва икки сурадан сўнг қунут дуосини ўқиймиз.





Қунут

Қунутда икки қўлни юқорига кўтариб, деймиз:

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَآلِ مُحَمَّدٍ

«Аллоҳумма солли алаа Муҳаммадин ва аали
Муҳаммад»

*(Худоё! Муҳаммад ва унинг Аҳли байти-хонадонига
салавот ва салом йўллагин).*

Сўнгра деймиз:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

«Роббана аатинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил
аахирати ҳасанатан ва қинаа азаабан-наар»

*(Парвардигоро бизга дунёда яхшилик ва охиратда
яхшилик ато қилгин ва бизни жаҳаннам оловининг
азобидан сақлагин!).*



Ташаххуд (гувоҳлик бермоқ)

Қунутдан сўнг, рукуъ ва икки саждани бажариб, ўтирган ҳолда ташаххуд ўқиймиз. Суратда ташаххуддаги ҳолат кўрсатилган.

Ташаххудда бундай деймиз:

أَلْحَمْدُ لِلَّهِ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ

«Алҳамду лиллааҳи ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу
вахдаҳу лаа шарийка лаҳу.»

(Ҳамду сано махсус Аллоҳ учундир, гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У тенги бўлмаган Ягона Зотдир).

وَ أَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

«Ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳуу ва расулуҳ»

(Ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг Бандаси ва Пайгамбаридир).

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَ آلِ مُحَمَّدٍ

«Аллоҳумма солли алаа Муҳаммадин ва аали
Муҳаммад.»

*(Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам) ва унинг Аҳли-
Байти-хонадонига салом ва салаотлар йўлла).*



Салом

Ташаххуддан сўнг, қуйидагача салом берилади:

أَلْسَلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ

«Ассалааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматул-
лоҳи ва барокаатуҳ»

*(Салом сизга эй Пайгамбар! ва Аллоҳнинг раҳмати ва
Унинг баракотлари сизга бўлсин!).*

أَلْسَلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ

«Ассалааму алайнаа ва алаа ибаадиллааҳис
солиҳийн»

*(Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом
бўлсин!).*

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ

«Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ»
(Салом сизларга ва Аллоҳнинг раҳмати ва Унинг баракотлари (сизларга) бўлсин!).

Салом тугагач, 3 марта **اللَّهُ أَكْبَرُ** (Аллоҳу Акбар) дейиш билан намоз тугайди.

Ҳар бор «Аллоҳу Акбар» деганда икки қўл қулоқларгача кўтарилади.

Ҳар бир мусулмон учун бир кеча-кундузда вожиб бўлган намозлар **17 рақъат** бўлиб, **2 рақъат субҳ** (бомдод) намози уфқ кўтарилгач, **4 рақъат зуҳр** намози тушги вақтида ва ундан сўнг **4 рақъат аср** намози ва **3 рақъат мағриб** намози қуёш ботгандан сўнг ва ундан кейин **4 рақъат ишо** (хуфтан) намози ўқилади.

Юқорида айтиб ўтилган намозлар ўз вақтида ўқилиши лозим.

Агар мағриб намозини ўқимоқчи бўлсак, иккинчи рақъатнинг ташаҳҳудидан кейин, салом бермай ўрнимиздан туриб, қуйидаги зикрни **3 марта** такрорлаймиз:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ

«Субҳааналлоҳи валҳамду лиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу вал-лоҳу акбар»

(Аллоҳ Покдир ва ҳамд-мақтов махсус Аллоҳ учун ва Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Аллоҳ Буюк Зот).

Ёки 3 марта **اللَّهُ سُبْحَانَ** «субҳааналлоҳи» (Аллоҳ

Покдир) ни такрорлаймиз.

Шундан кейин рукуъга бориб, сўнг икки сажда қилиб, ундан кейин эса ташахҳуд айтиб, салом берилади. Шу билан 3 рақъатли мағриб намози тугайди.

Аммо, агар 4 рақъат (зухр, аср, ишо намозларини) ўқимоқчи бўлсак, 3-рақъат тугагач, ташахҳуд ва салом бермай икки саждадан кейин ўрнимиздан туриб, 3-рақъатдаги зикрни такрорлаб, рукуъга бориб, икки сажда қилиб, ташахҳуд айтилади ва ундан сўнг салом бериб намоз тугатилади.

Намоз вожиботлари

- 1. Ният**
- 2. Қиём (турган ҳолда бўлиш).**
- 3. Такбиратул ихром**
- 4. Ҳам ва сура кироат қилиш**
- 5. Рукуъ қилиш**
- 6. Сажда**
- 7. Зикр (Рукуъ ва Саждада ўқиладиган зикр)**
- 8. Ташахҳуд**
- 9. Салом бериш**
- 10. Тартиб (айтиб ўтилган тартибда намоз амаллари кетма-кет бажарилиши керак, агар амалларнинг ўрни ўзгартирилса, намоз ботил бўлади).**
- 11. Муволат (намоз амалларини кетма-кет бажариш)**
- 12. Тумаънийна (амалларни бажарганда бадан ором ҳолда бўлиши)**

Намозни ботил қиладиган нарсалар

1. Намоз шаклини бузадиган ишни қилиш, масалан: қарсак чалиш ва ё ўнг ва сўл томонга қараш.

2. Қасддан гапириш, лекин агар Қуръон ояти ё дуо ўқиса, намоз ботил бўлмайди.

3. Қахқаҳа билан кулмоқ, аммо табассум намозни ботил қилмайди.

4. Дунё ишлари учун йиғламоқ, аммо агар Аллоҳдан қўрқиб йиғласа, намозга зарари бўлмайди.

5. Емоқ ва ичмоқ ҳатто кичик нарса бўлса ҳам намозни ботил қилади, аммо агар тишларнинг орасида қолган бўлса, уни ютишлик намозга зарар етказмайди.

6. Намоз ўқиганда қўлларни бир-бирининг устига қўйиш намозни ботил қилади, чунки бу амал Пайғамбаримиз *Муҳаммад* (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг суннатларидан эмас.

7. Фотиҳа сурасини ўқиб бўлгандан сўнг, қасддан «**омин**» дейишлик, чунки бу амал ҳам пайғамбаримиз *Муҳаммад* (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг суннатларидан эмас.

Вожиб намозлар

1. Явмия намозлари (субх, зуҳр, аср, мағриб ва ишо).

2. Ийд намозлари (ҳайит намозлари); Ушбу намозлар Имом замон (имом Маҳдий (Аллоҳ келишларини тезлаштиради)) келганларидан сўнг вожиб бўлади, аммо бизнинг ҳозирги замонимизда эса ўқиш мустаҳабдир.

3. Оёт намозлари; Зилзила бўлганда, ой ёки қуёш тутилганда, яшин, чакмоқ, момақалдирик, қизил ва қора рангли қуюнлар, шиддатли ёғин ва тўфонлар каби қўрқинчли табиий ҳодисалар рўй берганда, оёт намози вожиб бўлади.

4. Жумъа намози.

5. Назр намози; Агар инсон маълум бир рақъат намоз ўқишни назр қилганда, ўқиши вожиб бўладиган намозлар.

6. Отанинг қазо намозлари, дунёдан ўтганидан сўнг катта ўғилга вожиб бўлади.

Қайси маконларда намоз ўқиса бўлади?

Ҳар маконда намоз ўқиса бўлади, лекин масжидда намоз ўқиш афзалдир.

Намоз вақти етиб келганда, намоз ўқимоқчи бўлсак, намоз ўқиладиган макон қуйидаги шартларга эга бўлиши лозим.

«Ғасбий» бўлмаслиги керак яъни: эгаси рози бўлмаган макон бўлмаслиги лозим.

Намоз макони ҳаракатда бўлмаслиги керак, масалан: поезд, тайёра, учқич, учоқ ва автобус каби маконларда ҳаракат қилаётганида намоз ўқиб бўлмайди, лекин ночор ҳолда қолган вақтда, ҳаракатли маконда ҳам намоз ўқиса бўлади.

Намоз ўқиладиган маконнинг юқори қисми туриб бўлмайдиган даражада паст бўлмаслиги керак ва шунингдек рукуъ ва сажда қилишга тўсқинлик қиладиган тор жой бўлмаслиги лозим.

Намоз ўқийдиган жой нажас бўлмаслиги керак, аммо агар нажас бўладиган бўлса, нажосат аъзоларга тегмаслиги учун қуруқ бўлиши лозим.

Сажда қиладиган ер, икки тиззанинг жойидан 4 бармоқ микдорича баланд бўлмаслиги керак.

Аллоҳ таоло ўқиган намозимизни ва қилган ибодатларимизни ўз даргоҳига қабул айласин!

Ўз вақтида ўқинг намоз

Доим қиём бўлма, бўлмагин магрур
Яратган олдида рукуъ қилиб тур
Пешананг ҳар қанча бўлса ҳам оқил
Сажда қил махлуқ чун аввали шудир
Бўлсанг гирён аз тарс Худо гирён қил
Солиҳ амал савобингни нажот бил
Гуноҳдан қоч, кофир бўлма, амал чун
Жавоби бор, сўроқловчи у Жалил
Намозсиз одамлар бў дунёда кўр
Билмаслар дунёда нимадир сурур
Олтин, зар, сарватдан оларкан қувонч
Ҳеч билмас: ҳаётда пешанаси шўр
Бу ҳаёт бермайди ҳеч кимга лаззат
Ким бойликни қувар, ким ейди фақат
Ҳаммаси ўтгинчи, дастгиринг савоб
«Э воҳ» дема келса ўлим ҳақиқат
Дардимнинг давоси, малҳами сен ёр
Тўсиқ, доvonларнинг барҳами сен ёр
Охирад сабаби бўлсам ҳам ўзим
Ҳар оним, бор- йўгим, ҳамдамим сен ёр
Эй Холиқ, махлуқман осий, гунаҳқор
Бандангман гуноҳлар ичида ночор
Йиғлайман шаҳидлар мотамида зор
Айлама қабримни боқийда сен тор
Дардларнинг давоси, боқийга сафар
Кўрқаман гуноҳлар қилмасин зарар
Кечир, тавба қилдим, авф айла Ғаффор
Пок қилиб қиём қил охир рўз маҳшар

Шоир: Боҳодир Забиҳ ўғли